

**ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ
ҚИЛИШ: ИСБОТЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР**

Луқмонов Яшнаербек Лазиз ўғли
Китоб тумани ИИБ ҳузуридаги ТГ терговчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22675651>

Аннотация. Мазкур мақолада Жиноят кодексининг (кейинги ўринларда ЖК деб юритилади) 270-моддасида назарда тутилган тақиқланган экинларни етиштириш жиноятини тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доираси криминалистика фани нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Муаллиф исботланиши лозим бўлган ҳолатларни жиноят ҳуқуқидаги “жиноят таркиби” (объект, объектив томон, субъект, субъектив томон) билан аралаштирмаслик зарурлигини асослаб, уларни Жиноят-процессуал кодекснинг (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади) 82-моддасидаги умумий талаблар ҳамда жиноятнинг ўзига хос криминалистик тавсифи — предмети, содир этиш усули ва вазияти — асосида тизимлаштирган. Тадқиқот якунида тергов амалиётини такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифлар — жумладан, ҳодиса жойини кўздан кечиришда агрономия соҳаси мутахассисини мажбурий жалб қилиш тартибини жорий этиш — илгари сурилган.

Калит сўзлар: тақиқланган экинлар, тақиқланган экинларни етиштириш, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, криминалистик тавсиф, жиноят предмети, жиноят содир этиш усули, жиноят содир этиш вазияти.

**РАССЛЕДОВАНИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С ВЫРАЩИВАНИЕМ
ЗАПРЕЩЁННЫХ КУЛЬТУР: ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, ПОДЛЕЖАЩИЕ
ДОКАЗЫВАНИЮ**

Аннотация. В данной статье с точки зрения криминалистики анализируется круг обстоятельств, подлежащих доказыванию при расследовании преступления, связанного с выращиванием запрещённых культур, предусмотренного статьёй 270 Уголовного кодекса (далее — УК). Автор обосновывает необходимость разграничения обстоятельств, подлежащих доказыванию, и понятия «состав преступления» в уголовном праве (объект, объективная сторона, субъект, субъективная сторона), а также систематизирует указанные обстоятельства на основе общих требований статьи 82 Уголовно-процессуального кодекса (далее — УПК) и специфической криминалистической характеристики данного преступления — предмета, способа и обстановки его совершения. В заключение исследования выдвинуты конкретные предложения, направленные на совершенствование практики расследования, в том числе предложение о введении обязательного порядка привлечения специалиста в области агрономии при осмотре места происшествия.

Ключевые слова: запрещённые культуры, выращивание запрещённых культур, обстоятельства, подлежащие доказыванию, криминалистическая характеристика, предмет преступления, способ совершения преступления, обстановка совершения преступления.

INVESTIGATION OF CRIMES INVOLVING THE CULTIVATION OF PROHIBITED CROPS: CIRCUMSTANCES SUBJECT TO PROOF

Abstract. *This article analyzes, from the perspective of forensic science, the scope of the circumstances subject to proof in the investigation of the crime of cultivating prohibited crops provided for in Article 270 of the Criminal Code (hereinafter referred to as the CC). The author substantiates the need to distinguish the circumstances subject to proof from the concept of “elements of a crime” in criminal law (the object, objective element, subject, and subjective element of the crime) and systematizes these circumstances on the basis of the general requirements established by Article 82 of the Criminal Procedure Code (hereinafter referred to as the CPC) and the specific forensic characteristics of the crime — its subject matter, method of commission, and circumstances of commission. The study concludes with specific proposals aimed at improving investigative practice, including the introduction of a mandatory procedure for involving a specialist in agronomy during the examination of the crime scene.*

Keywords: *prohibited crops, cultivation of prohibited crops, circumstances subject to proof, forensic characteristics, subject matter of the crime, method of committing the crime, circumstances of committing the crime.*

Бугунги кунда дунё миқёсида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмаси, шу жумладан уларни тайёрлаш учун хом ашё бўлиб хизмат қиладиган тақиқланган экинларни (кўкнори, наша ва бошқалар) етиштириш муаммоси инсоният хавфсизлигига таҳдид солувчи глобал муаммолардан бирига айланган. Хусусан, Афғонистон каби бир қатор давлатларда узоқ йиллар давомида кўкнори экинларини оммавий равишда етиштириш амалиёти сақланиб қолмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳвандлик воситалари ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси (UNODC) маълумотларига кўра, 2022 йилда Афғонистонда кўкнори экинлари тахминан 232 минг гектар майдонга экилган бўлса, мамлакатда жорий этилган тақиқ туфайли 2023 йилда бу кўрсаткич 95 фоизга қисқарган, бироқ 2024 йилда қайта 19 фоизга ошиб, 12,8 минг гектарни ташкил этган, 2025 йилда эса яна 20 фоизга пасайиб, 10,2 минг гектарга тушган.

Шунга қарамасдан, тақиққа қарамай, курук афюннинг бозор нархи тақиқдан олдинги ўртача 100 АҚШ долларидан 730 АҚШ долларигача ошиб кетганлиги минтақа давлатларида, жумладан Афғонистонга чегарадош ҳудудларда ноқонуний экин етиштиришни рағбатлантирувчи омил бўлиб қолмоқда, бундан ташқари сунъий (синтетик) наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва тарқатиш ҳажми кескин ортиб бормоқда [1].

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Афғонистон ва шу каби айрим давлатларда тегишли тақиқловчи ва халқаро чоралар қўлланилаётганига қарамай, гиёҳвандлик хом ашёсини ноқонуний етиштириш ва айлантатириш муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига, жумладан уларни тайёрлашга асос бўладиган тақиқланган экинларни етиштиришга қарши самарали курашмаслик, аввало, етишиб

келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва рухий саломатлигига, жамиятда соғлом турмуш тарзининг шаклланишига ҳамда, буткул миллатнинг келажагига жиддий тахдид туғдиради.

Гиёҳвандликка мубтало бўлган шахс нафақат ўзининг, балки оила аъзолари ва атрофидагиларнинг ҳам ҳаётини издан чиқаради, натижада жамиятда жиноятчилик, ижтимоий тартибсизлик ва иқтисодий йўқотишлар кўпаяди. Шу боис жаҳон ҳамжамяти, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси, ушбу иллатга қарши курашишни доимий эътибор марказида сақлаб келмоқда.

Мана шундай хатарли жараёнларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда изчил ва тизимли чоралар кўрилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-73-сон Фармони билан 2024–2028 йилларга мўлжалланган Миллий стратегия тасдиқланган эди [2].

Ушбу йўналишдаги ислохотларнинг мантикий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-207-сон Фармони қабул қилинди [3].

Мазкур Фармонда, жумладан, уюшган наркожиноятчиликка жиноий-ҳуқуқий механизмлар орқали қарши курашиш фаолиятини мутлақо янги босқичга олиб чиқиш мақсадида ЖКга “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондига қарши жиноятлар” номли алоҳида боб киритиш, наркожиноятларнинг янги шакллари ва уюшганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда жазо чораларини кескин оғирлаштириш, вояга етмаганлар ва ёшларни наркожиноятлардан ҳимоя қилиш бўйича кўшимча қафолатлар жорий этиш каби устувор вазифалар белгилаб берилди [3].

Дарҳақиқат, шу Фармон асосида амалга оширилган қонунчилик ислохотлари натижасида ЖКнинг Махсус қисми Олтинчи бўлими таркибидаги XIX боб “Аҳоли саломатлиги ва генофондига қарши жиноятлар” деб номланди ҳамда ушбу бобдаги гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ёки уларнинг аналоглари, худди шунингдек, кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласига оид моддалар тизимли равишда такомиллаштирилди [4].

Маълумки, ЖКнинг 270-моддасида қайд этиб ўтилган “Тақиқланган экинларни етиштириш” жинояти ҳам “Аҳоли саломатлиги ва генофондига қарши жиноятлар” тоифасига мансуб ҳисобланади. Ушбу жиноятнинг ўзига хослиги шундаки, агар жамият ва давлат томонидан тақиқланган экинларни етиштиришга кескин қарши курашилса, ўз-ўзидан гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жинояти табиий тарзда камаяди. Чунки айнан тақиқланган экинларни етиштириш орқалигина гиёҳвандлик моддалари юзага келиши мумкин бўлади. Шундай экан, юқорида қайд этилган вазифаларни амалда рўёбга чиқариш, ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига тақиқланган экинларни етиштириш жиноятларини фош этиш ва тергов қилиш

борасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш вазифасини юклайди. Бироқ амалиётда терговчилар кўпинча исботланиши лозим бўлган ҳолатлар рўйхатини жинойт ҳуқуқи фанидаги “жинойт таркиби” тушунчаси (объект, объектив томон, субъект, субъектив томон) билан аралаштириб юборадилар, ваҳоланки булар икки бошқа-бошқа институт ҳисобланади. Биринчиси, қилмишни квалификация қилиш, яъни жавобгарликка тортиш асосини аниқлаш учун хизмат қилса, иккинчиси эса — далил тўплаш йўналишини кўрсатиш, яъни аниқ қандай факт қандай манбадан ва қандай тартибда аниқланиши кераклигини белгилаш учун хизмат қилувчи криминалистика институтидир. Мана шу услубий чалкашлик ва исботланиши лозим бўлган ҳолатларни айнан криминалистик тавсиф асосида тўғри тизимлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Барчамизга маълумки, криминалистик нуқтайи назардан исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доирасини аниқлашнинг икки манбаси мавжуд бўлиб, улардан бири ЖПКнинг 82-моддасида барча жинойт турлари учун умумий бўлган талаблар (воқеанинг ўзи — вақти, жойи, усули; ушбу шахснинг айби; жавобгарликни оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатлар; етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори; жинойт содир этилишига сабаб бўлган ҳолат ва шароитлар). Иккинчиси эса — муайян жинойт турининг ўзига хос криминалистик тавсифи, яъни унинг предмети (нима устида содир этилади), содир этиш усули (қандай амалга оширилади) ва вазияти (қаерда, қачон, қандай шароитда содир этилади).

Иккинчи манба криминалистикада криминалистик тавсиф сифатида қайд этилган бўлиб, у ҳар бир жинойт турига хос хусусий ҳолатларни белгилайди, чунки ЖПКнинг 82-моддаси мазмуни ҳар қандай жинойт учун бир хил бўлса-да, унинг тўлдирилиши (масалан, “усул” деганда аниқ нима тушунилиши) фақат шу жинойт турининг криминалистик тавсифидан келиб чиқади.

Маълумки, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар жинойтни тергов қилиш хусусий методикасининг муҳим элементи ҳисобланади. Ғ.А. Абдумажидов, Р.А. Алимова, Т.Э. Арипов ва бошқа олимлар мазкур ҳолатларни криминалистик тавсиф билан боғлиқ ҳолда кўрадилар; З.Ф. Иноғомжонов ва Г.З. Тўлаганова эса далиллар ва исботланиши лозим бўлган ҳолатларни жинойтни очиш, айбдорни фош этиш ва жазонинг муқаррарлигини таъминлашда муҳим деб баҳолайдилар [5].

Ўз навбатида, О.Д. Алланазаров исботланиши лозим бўлган ҳолатлар жинойтларни тергов қилиш хусусий методикасининг ажралмас таркибий қисми эканлигини, чунки исботланиши лозим бўлган ҳолатлар қилмишнинг нафақат криминалистик жиҳатларини, балки жинойт-ҳуқуқий ҳамда жинойт-процессуал аҳамиятга эга бўлган барча белги ва хусусиятларини аниқлаш ва текширишни ўз ичига олишини таъкидлайди [6].

Бу борада биз В.В. Степанов томонидан илгари сурилган фикрни қўллаб-қувватлаймиз. Унга кўра “исботланиши лозим бўлган ҳолатлар орқали жинойт ишларининг айрим гуруҳлари бўйича моддий ва жинойт-процессуал қонунчилик асосида криминалистика томонидан тўпланган фактик маълумотлар бўлиб, уларсиз аниқ жинойт ишларини тергов қилиш ва суд томонидан кўриб чиқиш давомида жинойт процессининг

мақсадларига эришиб бўлмайди” [7]. Зеро, бошқа турдаги жиноятлар каби тақиқланган экинларни етиштириш жинояти бўйича муайян шахсни айблаш учун аввало, ЖПКнинг 82-моддасида кўрсатилган айблаш ва ҳукм қилиш учун асослар ўз тасдиғини топиши шарт ҳисобланади. Ушбу асосларни исботлаш учун эса бевосита криминалистик билимлардан фойдаланамиз.

Бизнингча, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятлари бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар — жиноятнинг мавжудлиги, предмети, экиш ва етиштириш ҳаракатлари, жойи, вақти, майдони, усули, айбдор шахс, унинг қасди, мотиви ва мақсади, бошқа гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар билан алоқаси, квалификацияловчи ва жавобгарликка таъсир қилувчи ҳолатлар ҳамда жиноят содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар ҳақидаги ишончли маълумотлар мажмуидир.

Бу тизим терговни “аввало нимани исботлаш керак?»” деган саволдан бошлаш имконини беради. Натижада ҳар бир тергов ҳаракати муайян исботлаш вазифаси билан боғланади, тергов версиялари аниқроқ шаклланади ва далилларнинг ўзаро алоқаси таъминланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, қуйида аввал тақиқланган экинларни етиштириш жиноятининг криминалистик тавсифи, сўнгра ЖПК 82-моддасидан келиб чиқувчи умумий ҳолатлар ва ниҳоят айнан ушбу тавсифдан келтириб чиқарилган хусусий ҳолатларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Дастлаб **жиноят предмети** бўйича кўриб чиқсак. Жиноят предмети — бу тегишли давлат органи томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган, таркибида гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда сақловчи ўсимлик (кўкнори, наша ва бошқалар).

Криминалистик жиҳатдан муҳим жиҳати шундаки, ҳар қандай ўсимлик автоматик равишда тақиқланган экин ҳисобланмайди — фақат тегишли рўйхатга киритилган ва белгиланган концентрация чегарасидан ошган турлар шундай мақомга эга бўлади. Бундай ўсимликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 330-сон қарорига 4-иловада кўрсатиб ўтилган.

Хусусан, 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ-207-сон Фармонига киритилган ўзгартиришга кўра, таркибидаги тетрагидроканнабинол моддаси миқдори 0,2 фоизгача бўлган каннабис (техник каннабис) саноат мақсадида қонуний етиштирилиши мумкин [8]. Демак, предметга оид энг биринчи ва ҳал қилувчи криминалистик савол — аниқланган ўсимлик ҳақиқатан ҳам тақиқланган экинми, агар шундай бўлса — у аниқ қайси турга мансуб? Бу савол жавобсиз қолса, жиноят ҳодисасининг ўзи (яъни таркибнинг эмас, воқеанинг ўзи) исботланмаган ҳисобланади ва қолган барча ҳаракатлар ортиқча бўлиб қолади.

Эндиликда **жиноятни содир этиш усули** ҳақида фикр юритсак. Маълумки, ЖКнинг 270-моддаси диспозицияси “етиштириш”ни жазоланадиган ҳаракат сифатида

кўрсатади. Тақиқланган экинларни етиштириш деганда, униб чиққан ёки ўтказилган кўчатларни уларнинг пишиш босқичигача бўлган давр ичида парвариш қилишни тушуниш керак [9]. Мазкур тушунчанинг мазмуни — усулга оид криминалистик тавсифни белгилайди. “Етиштириш” якка ҳаракат (масалан, уруғ сепиш) билан чекланмайди, балки ўсимликка нисбатан амалга ошириладиган парваришlash хатти-ҳаракатларини — суғориш, ўғитlash, бегона ўтлардан тозалаш, зараркунандалардан химоя қилиш, ер участкасини тайёрlash каби агротехник амалларни ҳам ўз ичига олади. Агар шахс етиштирилиши тақиқланган экинни турли майдонларда ўстираётган бўлса, қилмишни квалификация қилишда амалда экилган умумий майдонлар ўлчамидан келиб чиқиш лозим.

Демак, усулга оид энг муҳим криминалистик савол қуйидагича қўйилиши лозим: етиштирилган ўсимликка агротехник ишлов берилганми?. Агар берилган бўлса — айнан қандай ишлов (сув қуйилганми, ўғит солинганми, атрофи тозаланганми, махсус мослама ёки восита қўлланилганми)? Ушбу саволга жавоб фақат ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш пайтида тупроқ ҳолати, суғориш излари, ўғит қолдиқлари каби моддий изларни синчковлик билан қайд этиш ва мутахассис сифатида жалб қилинган агрономнинг хулосаси орқалигина олинishi мумкин.

Жиноят содир этилиш вазияти ҳақида мулоҳаза юритадиган бўлсак,

вазиятга оид энг муҳим криминалистик кўрсаткич — экин майдонининг ўлчамидир.

Тақиқланган экинларни етиштириш жинояти бўйича бундай экинларни “ўртача катталиқдаги экин майдони” ва “катта экин майдони”да етиштириш фарқланади. Жиноят қонунчилигига кўра, ўртача катталиқдаги экин майдони деганда, 250 квадрат метрдан 1000 квадрат метргача бўлган, катта экин майдони деганда эса, 1000 квадрат метр ва ундан ортиқ бўлган экин майдони тушунилиши лозим [10]. Демак, вазиятга оид энг муҳим криминалистик савол экин экилган ер қанча майдонни эгаллаганлигини аниқлашдир. Ушбу кўрсаткич фақат жазо чорасини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эмас, балки бевосита далиллаш предмети сифатида ҳам аҳамиятли, чунки уни аниқ ўлчаш (метраж олиш, фото-видео ёзиш, координаталарни белгилаш) фақат ҳодиса жойини кўздан кечириш тергов ҳаракати давомида амалга оширилиши мумкин ва кейинчалик тикланиши амалда мумкин эмас.

Шу тарзда, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятининг криминалистик тавсифи уч устунга, яъни предмет (ўсимлик тури ва тақиқланганлик факти), усул (агротехник ишлов тури) ва вазият (майдон ўлчами, жой, вақт) га таянади. Қуйида биз шу уч устун асосида исботланиши лозим бўлган ҳолатларни тизимлаштирсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз ушбу уч устун (предмет, усул, вазият) асосида, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятлари бўйича исботланиши лозим бўлган хусусий ҳолатларни қуйидагича тизимлаштиришни илгари сурамиз:

Предметга оид исботланиши лозим бўлган ҳолатлар:

– аниқланган ўсимлик ҳақиқатан ҳам тақиқланган экинми — агар тақиқланган бўлса, у аниқ қайси турга (кўкнори, наша ва ҳ.к.) мансублиги;

– ўсимлик таркибида фаол гиёхванд модда мавжудми ва унинг концентрацияси белгиланган чегарадан (масалан, каннабис ҳолатида — 0,2 фоиз тетрагидроканнабинол меъёридан) ошадими?;

– экинни етиштиришга тегишли рухсат ёки лицензия мавжуд-мавжуд эмаслиги (масалан, техник каннабис учун саноат мақсадида берилган рухсат).

Усулга оид ҳолатлар:

– ЖК 270-моддаси мазмунидан келиб чиққан ҳолда — етиштирилган ўсимликка агротехник ишлов берилганми? Агар берилган бўлса — айнан қандай ишлов берилган (сув қуйилганми, ўғитланганми, бегона ўтлардан тозаланганми, зараркунандалардан ҳимояланганми, қандай асбоб-восита қўлланилган)?;

– экин уруғ сепиш йўли биланми ёки тайёр кўчат ўтқазиш йўли билан бошланганлиги;

– экинни яшириш учун қўрилган чоралар (бошқа экинлар орасига жойлаштириш, тўсиқлар ўрнатиш) — усулнинг қасддан яширинча амалга оширилганлигини кўрсатувчи қўшимча белги сифатида;

– тайёргарлик ҳаракатлари амалга оширилган-оширилмаганлиги (уруғ сотиб олиш, ер участкасини олдиндан тайёрлаш).

Вазиятга оид ҳолатлар:

– экин экилган ер қанча майдонни эгаллаганлиги (ҳодиса жойини кўздан кечириш пайтидаёқ мустаҳкамланиши шарт);

– экин экилган жойнинг ҳуқуқий мақоми (шахсий томорқа, ижарага олинган ер, эгасиз ер);

– жиноят бир шахс томонидан ёки гуруҳ бўлиб содир этилганлиги;

– жиноят қайси муддат оралиғида — тахминий бошланиш санасидан аниқланиш санасигача бўлган давр ичида амалга оширилганлиги.

Шуни унутмаслик лозимки, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятлари бўйича юқорида зикр этилган ҳолатлардан ташқари, ЖПКнинг 82-моддаси ҳар қандай жиноят тури учун умумий бўлган исботлаш предметини белгилайди. Тақиқланган экинларни етиштириш жиноятига нисбатан бу умумий талаблар қуйидагича намоён бўлади:

– жиноят ҳодисаси, унинг вақти, жойи ва усули, шунингдек ЖК 270-моддаси бандларида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлар;

– жиноятнинг айнан ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;

– шахснинг айби (айб шакли, мотиви ва мақсади);

– айбланувчининг шахсини тавсифловчи жавобгарликни оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатлар;

– жиноят содир этилишига сабаб бўлган ҳолатлар ва шарт-шароитлар (масалан, ер участкасидан назоратнинг суствлиги, аҳолининг ҳуқуқий билимсизлиги).

Шунингдек, ЖПКнинг 83-моддасида кўрсатилган реабилитация учун асослар ҳамда 84-моддасида кўрсатилган ишни тугатиш учун асослар ҳам аниқланиши шарт. Дикқатга сазовор жиҳати шундаки, амалиётда кўпинча айнан ЖПК 82-моддасининг “жиноят

ходисаси” бандини тўлдиришда терговчилар мустақил равишда фикр юритиш ўрнига тайёр рўйхатларга таянадилар — бу эса юқорида кўрсатилган предмет, усул ва вазият бўйича аниқ саволларни бермай қолдиришга олиб келади.

Айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатларни аниқлашда терговчи қуйидаги ҳолатларни аниқлаш лозим бўлади:

– экинни етиштиришдан кўзланган мақсад ва мотив (шахсий истёъмол ёки ўтказиш ёхуд сотиш мақсадида);

– агар мақсад сотиш бўлса, айбдорнинг ҳаракатларида ЖК 273-моддасида назарда тутилган бошқа жиноят аломатлари мавжудлиги;

– айбланувчининг муқаддам гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этиб судланганлиги ёки судланган муддати ўтиб кетганлиги;

– шахснинг ўзи гиёҳвандлик моддаларини истёъмол қилиш-қилмаслиги, наркология диспанчери рўйхатида туриш-турмаслиги ва хоказолар.

Энг муҳим жиҳати шундаки, ўсимликнинг ҳақиқатан тақиқланган экин эканлиги факти бошқа барча ҳолатларни текширишнинг мантиқий асосини ташкил этади. Агар ушбу факт тасдиқланмаса, қолган бошқа ҳолатларни исботлашга эҳтиёж қолмайди.

Юқорида илгари сурилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни илгари сурамиз:

Биричидан, Ички ишлар вазирлиги билан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида тақиқланган экинларни етиштириш жиноятлари бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда агрономия соҳасидаги мутахассисни мажбурий жалб қилиш тартибини белгиловчи қўшма қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш лозим. Бунда юқорида кўрсатилганидек, ушбу турдаги жиноятларни исбот қилишнинг тўлиқ тўпланишини таъминлайди;

Иккинчидан, ҳодиса соир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида экин майдонининг аниқ ўлчами (метраж, координаталар) мажбурий равишда қайд этилиши тартибини Ички ишлар вазирлигининг тегишли услубий кўрсатмасига киритиш зарур.

Чунки тақиқланган экин майдонининг катталиги мезони кейинчалик тикланиши мумкин бўлмаган далил ҳисобланади;

Ўйлаймизки, мазкур таклиф ва тавсияларимиз амалдаги ЖПК нормаларини янада такомиллаштирилишига, шу аснода суд-тергов органлари амалиётида гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериш жиноятларини янада самарали тергов қилишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. UNODC. Afghanistan Opium Survey 2025. November 2025; Afghanistan Drug Insights, Volume 1: Opium Poppy Cultivation 2024. November 2024 // URL: [https://www.unodc.org/documents/crop-monitoring/Afghanistan/Afghanistan Opium Survey 2025.pdf](https://www.unodc.org/documents/crop-monitoring/Afghanistan/Afghanistan%20Opium%20Survey%202025.pdf) (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 25.08.2026 й.)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 майдаги «Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-73-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/6912475> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 02.09.2026 й.)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги «Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-207-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/7818774> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 02.09.2026 й.)
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (270, 271–276⁸-моддалар), Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 11 июндаги ЎРҚ-1151-сон Қонунидаги таҳрирда // URL: <https://lex.uz/docs/111453> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 25.08.2026 й.)
5. Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А., Арипов Т.Э. Криминалистика. Дарслик. — Т.: ТДЮИ, 2010.
6. Алланазаров О.Д. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштириш. Ю.ф.б.ф.док(PhD) дис. – Т., 2021. – 64 б.
7. Баринов С. В, Козырева О. Л. Обстоятельства, подлежащие установлению при расследовании дорожно-транспортных преступлений// Актуальные проблемы современной науки и практики – № 4, 2021 – С. 188.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ-207-сон Фармонига 3-илова (техник каннабис ўсимлигидаги тетрагидроканнабинол моддаси меъёри бўйича, ПФ-184-сон Фармонига киритилган ўзгартириш, 45-позиция) // URL: <https://lex.uz/docs/7818774> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 03.09.2026 й.)
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, 28.04.2017 йилдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сон қарори// URL: <https://lex.uz/uz/docs/3203265> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 03.09.2026 й.)
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/111453> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 03.09.2026 й.)